



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 981

2019 йил «14» ноябрь

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 16 ва 35-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 952-сон қарори билан тасдиқланган Сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарликнинг бориши ва сайловнинг ўтишини холисона ёритиб бориш бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари иловага мувофиқ аккредитациядан ўтказилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти Матбуот хизмати (Н.Ризаев) аккредитациядан ўтган оммавий ахборот воситалари вакиллари учун белгиланган намунадаги гувоҳномалар тайёрланиши ва топширилишини таъминласин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари М.Истамов зиммасига юклансин.

Раис

М.Абдусаломов

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2019 йил 14 ноябрдаги 981-сон
қарорига илова

**МАҲАЛЛИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
ВАКИЛЛАРИНИНГ
Р Ў Й Х А Т И**

№	ГУВОҲНОМА РАҚАМИ	Ф.И.Ш.	ЛАВОЗИМИ
"Коре синмун" газетаси			
1.	220	Ким Брутт Инокентьевич	Бош муҳаррир
2.	221	Магай Алла Владимировна	Бош муҳаррир ўринбосари
ЎзЭОАВМА радиоахборот маркази			
3.	222	Зарфуллаева Зулайҳо Бахтиёр қизи	Мухбир

**ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
ВАКИЛЛАРИНИНГ
Р Ў Й Х А Т И**

«Курсив» газетаси (Қозоғистон)			
1	4	Турдимов Жамолиддин Бекмурзаевич	Бош муҳаррир